

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРАТУРАСИГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 386-модда)

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 4 августда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-1]**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 июлдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида [низомага](#) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 24 июлдаги 01-268-сон буйруғи (рўйхат рақами 2490, 2013 йил 26 июль) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги [низомага иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 3 август,
01-266-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг
2016 йил 3 августдаги 01-266-сон [буйруғига](#)
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест
синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. [4-банддаги](#) «3 — 10-саналари» деган сўзлар «3 — 15-саналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг [учинчи хатбошисидagi](#) ҳамда [1-илованинг](#) 2-шакли номидаги «(TOEFL ёки IELTS)» деган сўзлар «(CEFR, IELTS ёки TOEFL)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. [56-банд](#) куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Абитуриентлар иккита («Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти асослари», «Мутахассислик фанлари») ёки учта («Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти асослари», «Мутахассислик фанлари» ва «Чет тили») фан мажмуалари бўйича тест синовини топширади.

«Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти асослари», «Чет тили» фанлари тест саволлари намунавий ўқув дастурлари асосида, «Мутахассислик фанлари» тест саволлари ТДЮУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан шакллантирилади.»

4. [57, 58](#) ва [65-бандлардаги](#) «Мутахассислик фани» деган сўзлар «Мутахассислик фанлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е. КАНЪЯЗОВ

2016 йил 3 август